БУГУНГИ СОНДАН ИҚТИБОСЛАР:

Пандемия даврида биз аёллар мураккаб вазиятларда ҳам ўзимиз ва яқинларимизни асраб қолишни, оила даромадига ҳисса қўшиш йўлларини ўргандик. Фарзандларимиз ва набираларимиз келажаги учун ҳаракат қилишимиз кераклигини англадик. 2

Қишлоқда яшовчи аҳолининг ҳаммасида ҳам замонавий уяли алоқа воситаси олиш, ойига 80-90 минг сўмдан тўлаб интернетдан фойдаланиш имконияти йўқ. Шундай экан, ҳозирча қишлоқ аҳолисининг ҳудуд ҳаётига оид ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондиришда туман газеталари муҳим манба бўлиб қолмоқда. 3

Боламни беланчакдан олиб, бағримга босдим. У жажжи қўлчалари билан юзимни силади. Мен ҳам унинг юзига юзимни босдим. Ҳарорати тушди. Бироқ, мен уни тонгга қадар иссиқ бағримдан чиқармадим. Эрталабга яқин кўзим илинибди. Боламнинг қиқирлашидан уйғондим. 4

Уйда қолинг!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2020 йил
30 май
ШАНБА
№ 37 (13298)

@haqiqatonline

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ХАЛҚИМИЗ САЛОМАТЛИГИНИ АСРАШ ВА ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ – АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 май куни аҳоли учун яратилаётган шароитлар, фуқаролар ҳаётини яхшилаш, фаровонлигини ошириш йўлида қилинаётган ишлар билан танишиш мақсадида пойтахтимизнинг Сергели тумани ва Тошкент вилоятининг Зангиота туманида бўлди.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ дастлаб Зангиота туманида барпо этилаётган кўп тармоқли махсус шифохона қурилиши билан танишди.

Коронавирус пандемияси бутун дунёга тарқалиб, инсонлар ҳаётига катта хавф туғдирмоқда. Мамлакатимизда ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар, халқимизнинг чуқур тушуниши ва сабр-тоқати билан бу офат жиловланиб, оммавий ёйилиб кетишининг олди олиняпти. Қисқа фурсатларда даволаш-профилактика муассасалари ва карантин зоналари қурилгани бунда муҳим омил бўлди.

Зангиота туманидаги махсус шифохона лойиҳасининг умумий қиймати 504 миллиард сўм бўлиб, 33 гектарда 2 та комплекс қурилмоқда. Бунда юқумли касалликлар хусусияти ва замонавий тиббиёт талаблари инобатга олинган.

Хусусан, стационар жойларнинг ҳаммаси боксланган, ҳар бир хона автоном. Биридаги ҳаво бошқасига ўтмайди. Уларга кириб-чиқиш ҳам, хизмат кўрсатиш ҳам алоҳида. Касаллар келгач, қабул бўлимидан тамбур орқали тўғридан-тўғри ўз палатасига жойлаштирилади.

Барча корпуслар, бўлинмалар тоза ва нотоза йўлаклар билан ажратилган. Тоза йўлакдан фақат тиббий персонал ўз вазифасини бажариш учун фойдаланади. Шифокорлар ҳаракатланиш чоғида санитар ўтказгичлар орқали ўтади. Бу барчанинг – ташхиси ноаниқ бўлганлар, врачлар ва бошқа хизматчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари касалхонада яратилган шароитлар билан танишди. Мутасаддилар билан суҳбатда ундан оқилона фойдаланиш, тиббиёт ходимларини рағбатлантириш муҳимлигини таъкидлади.

– Бундай замонавий шифохонани қуриш сермашаққат, ундан самарали фойдаланиш эса ундан ҳам қийин. Шунинг учун бу ерга врач эмас, ташкилотчи одам раҳбар бўлиши керак. Ходимларнинг маоши бонус тизимида бўлиши зарур. Натижа яхши бўлса, яхши даромад олишсин, – деди Шавкат Мирзиёев.

Муассаса 2 минг ўринга мўлжалланган. Лекин 4 минг ўрингача трансформация қилиш имконияти бор.

Давлатимиз раҳбари қабул бўлими, карантин зонаси, лаборатория ва муолажа хоналари, санитар-ювиниш жойларини синчиклаб кўздан кечирди.

Видеоалоқа орқали Қорақалпоғистон ва вилоятлардаги шифокорлар билан мулоқот бўлди. Телемедицина бўйича комплекс тизим яратиш, туманлардан вилоят касалхоналарига, ундан республика марказларига боғланиш имкониятини йўлга қўйиш, шу билан бирга, тиббиёт ходимларини бу бўйича ўқитиб, тажриба алмашувни кенгайтириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

72 ўринли реанимация бўлимида ҳар бир койка ўпканинг сунъий вентиляцияси ва даволаш аппаратлари билан жиҳозланган. Бу бўлимни кардиология, неврология, педиатрия каби турли йўналишлар бўйича жиҳозлаш ҳам мумкин.

Жарроҳлик залларига ҳаво тепадан берилади ва ён томонлардан сўрилади. Натижада доимий стериллик таъминланади.

Президентимиз мазкур муассасада иш бошлайдиган тиббиёт ходимлари билан суҳбатлашди.

– Мана шундай янги шифо масканлари қуриб, хусусий тиббиётни ҳам ривожлантириб, рақобатли медицина яратяпмиз. Энди шунга муносиб замонавий врач ва ҳамширалар керак. Ўз устингизда тинимсиз ишлаб, жаҳондаги ютуқларни ўрганиб, халқимизга хизмат қилишингиз лозим, – деди Шавкат Мирзиёев.

Лабораторияда вирусология, биокимё ва иммунология, микробиология, паразитология бўйича энг илғор аппаратлар ўрнатилган. Масалан, амалдаги полимер занжирли реакция ускунаси 5 соатда ўртача 40 кишига ташхис қўйса, бу ердаги замонавий жиҳозлар 2 соатда 90 та намунани аниқлаш имкониятига эга. Кўрпа-тўшак ва матолар ювилиб, бошқа буюмлар буғ ёрдамида дезинфекция қилинади.

Шу ерда вилоят ва республика тиббиёт муассасалари қамрови ҳамда ҳамкорлиги ҳақида тақдимот ўтказилди.

(Давоми 2-саҳифада)

Мавзуга қайтиб

Ҳудудий нашрлар яшаши КЕРАК!

Кейинги вақтда турли ижтимоий тармоқлар ва айрим матбуот саҳифаларида бугунги электрон ахборот макони ривожланиб бораётган даврда босма нашрлар керакми, деган иддаолар тез-тез кўзга ташланадиган бўлиб қолди. Айниқса, бу ҳақда гап борганда маҳаллий, хусусан, туман ва шаҳар газеталари алоҳида тилга олинади.

Хўш, бу гап-сўзлар қанчалик ўринли ва асосли. Келинг, мавзуни босма оммавий ахборот воситалари ҳамда жамоатчилик вакилларининг фикр-мулоҳазаларини эътиборга олган ҳолда кўриб чиқайлик.

Дарҳақиқат, давр талаби билан республикамизда Интернет ва электрон ахборот тизими жадал ривожланиб бормоқда ва ижтимоий тармоқлар ҳаётимизнинг бир бўлагига айланиб улгурди. Буни инкор этмаймиз, лекин улар бугун ўқувчиларнинг эҳтиёжини қанчалик қондирмоқда? Бизнингча бу жиддий ўйлаб кўриладиган масала.

(Давоми 3-саҳифада)

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

Бувим раҳматли аммаларим уйга келишганда уларнинг болаларини бағриларига босиб: "Бегуборим, бегуноҳим, Оллоҳ умрингни зиёда қилсин, тўрт мучанг соғ бўлсин", деб дуо қилардилар. Ўзимиз катта бўлиб кўрдимки, ҳақиқатан ҳам дунёда боладан бегуноҳ, унинг кулгусидан гўзал, қалбидан бегубор ҳодисанинг ўзи йўқ экан...

Ҳавасим келади Ўсенга, болажон!

Айниқса, сен яшаётган мамлакатда болаларнинг ҳар томонлама комил инсон бўлиб вояга етиши учун давлат раҳбарининг ўзи бош бўлса, доимий эътибор кўрсатса, ғамхўрлик қилса, бу юртнинг фарзандлари, албатта, бахтли бўлади. Ўзбекистоннинг бугун ана шундай давлатлар қаторида тилга олинаётгани бизда алоҳида фахр-ифтихор туйғусини уйғотади. Келинг, сўзимизни исботи учун гапни бир бошдан бошлайлик.

Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг 40 фоизидан ортиғини 18 ёшгача бўлган болалар ташкил этади. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги 70 дан ортиқ халқаро шартномага аъзо бўлган мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин ратификация қилган илк ҳужжат Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро Конвенция ҳисобланади.

(Давоми 4-саҳифада)

Муносабат

БУ ЗАҲМАТЛАР ЎТКИНЧИ

Бугун бутун дунёда инсоният учун умумий бир синов даври кечмоқда.

Афсуски, Ўзбекистон халқи ҳам бу синовдан четда қолмади. Мамлакатимизда вирус аниқланган даврдан бери жуда салмоқли ишлар амалга оширилди ва бу жараён давом этмоқда.

Вилоятимизда ҳам коронавирус пандемиясининг олдини олиш ва унга барҳам бериш борасида тезкор ва зарур тадбирлар кўрилмоқда.

Аҳоли орасида коронавирус инфекциясини юқтириб олмаслик, тарқалишининг олдини олиш, имкон қадар уйда қолиш, кўчага чиққанда карантин қоидаларига тўлиқ риоя этиш бўйича кенг қамровли тушунтириш олиб борилмоқда. Бироқ, айрим аҳоли пунктлари, хонадонлар, кўчаларда одамларнинг бепарволиги, бир-бири билан яқин мулоқотда бўлиши, карантин қоидаларига риоя этмаслиги оқибатида пандемияни жиловлаш осон кечмаяпти. Коронавирус тарқаганига икки ярим ойдан кўпроқ вақт ўтганига қарамай, вилоятимизнинг Бекобод, Янгийўл, Нурафшон шаҳарлари, Қибрай, Оққўрғон, Зангиота, Паркент, Тошкент, Юқори Чирчиқ, Янгийўл туманлари қизил, Ангрен, Чирчиқ шаҳарлари, Бекобод, Қуйи Чирчиқ, Чиноз, Ўрта Чирчиқ туманлари эса сариқ ҳудудлар қаторига киритилгани аҳвол нақадар жиддийлигини кўрсатмоқда. Ҳеч кимга сир эмас, касалланган бир инсоннинг бепарволиги, ниқобсиз юриши натижасида бутун бошли бир қишлоқ ёки туман аҳолиси ойлаб карантинда сақланмоқда, ҳатто ўз ҳудудидан чиқолмай қолаяпти. Бунинг натижасида тадбиркорлик, деҳқончилик ва бошқа касб-кор билан шуғулланувчи инсонлар азият чекишмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

Томорқа – хазина

Туроб аканинг оддий фалсафаси

Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида томорқадан фойдаланиш бўйича катта тажриба тўпланганлигини кўпчилик яхши билади. Илгари бу ҳудуд қулупнайдан мўл ҳосил олиш ва уни эрта чиқаришда донг таратган бўлса, бугун иссиқхоналарда помидор, бодринг ва бошқа резаворлар етиштиришда ҳам олдинги сафларга чиқиб олган.

Хонободликларнинг таъбири билан айтганда, томорқасидан унумли фойдаланган киши ҳеч нарсага муҳтож бўлмайди. Бунинг учун эса ишнинг кўзини билиб меҳнат қилиш, вақтида экин экиш ва парваришлаш керак.

Туроб ака Маҳаматов ердаги хазинани ортиғи билан топган миришкор деҳқонлардан. Қачон сўроқлаб борсангиз, уни доим томорқасидан топасиз.

(Давоми 2-саҳифада)

ХАЛҚИМИЗ САЛОМАТЛИГИНИ АСРАШ ВА ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ – АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

– Кўп шифохоналар, диагностика марказлари тарқоқ жойлашган. Ташхис қўйиш ва даволаш сифати талабга жавоб бермайди. Маблағ эса сарфланиб ётибди. Давлатнинг бир сўми ҳам халқимизга нима манфаат беряпти, деган савол ҳар бир ишда мезон бўлиши керак, – деди Президент.

Мазкур шифохона мураккаб эпидемиологик вазиятда юқумли касалликлар хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, барча санитария-эпидемологик талабларга жавоб берувчи махсус муассаса бўлиб хизмат қилади. Эпидемиологик вазият барқарорлашгандан сўнг келгусида кўп тармоқли тиббиёт клиникаси сифатида фаолият юритади.

Жумладан, бу ерда замонавий технологиялар ёрдамида масофавий тиббий кўриклар ва консилиумлар ташкил этилиб, олий ва ўрта махсус тиббий таълим муассасаларининг талаба-ўқувчиларига малака ошириш учун махсус клиник база сифатида хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари Сергели туманида барпо этилган 16 қаватли уйни бориб кўрди. қўллаш – давр талаби.

Яқинда Сергели туманининг 5А мавзесида фойдаланишга топширилган 329-умумий ўрта таълим мактаби айни шундай мезонлар асосида барпо этилган.

Президент Шавкат Мирзиёев ушбу таълим масканини ҳам бориб кўрди.

Маълумки, мазкур туманда кўп қаватли уй-жойлар бунёд этилиб, аҳоли сони ошиб бормоқда. 2019 йилда бу ерда тўртта янги мактаб барпо этиш ишлари бошланган эди. Ҳозирги кунда уларнинг иккитаси қуриб битказилди. Янги ўқув даргоҳлари тумандаги болалар ва ўсмирлар ҳамда ота-оналар учун муносиб совға бўлди.

Бугунгача энг катта мактаблар 700 ўринли бўларди. 329-умумий ўрта таълим маскани 1680 ўқувчига мўлжалланган. Унга асос солишда 2019 йилда ташкил этилган Президент мактаблари тажрибасидан фойдаланилган.

Тўрт қаватли мактабда 48 та ўқув хонаси мавжуд. Шундан 20 таси фан кабинети, 14 таси бошланғич синф хонаси ва яна 14 таси хорижий тилларни ўқитишга мўлжалланган. Лаборатория ва тўгарак хоналари, электрон кутубхона, тиббиёт пункти, ошхона, фаоллар зали, спорт майдонларида замонавий шароитлар яратилган.

Аҳамиятлиси, бу ерда болаларни ҳозирданоқ аниқ касбларга йўналтириш, ҳунарларга меҳр уйғотиш мақсадларида махсус хоналар ташкил этилган, улар керакли жиҳозлар, асбоб-ускуналар, меҳнат қуроллари, мато ва материаллар билан таъминланган.

Таълим сифатини ошириш мақсадида мактабга директор танлов асосида, ўқитувчилар эса тест синовлари натижасида ишга қабул қилинган.

Давлатимиз раҳбари мактаб дарсликлари савияси талабга мутлақо жавоб бермаслиги, ўқув дастурларини илғор хорижий билимлар асосида такомиллаштириш зарурлигини таъкидлади. Болаларга сифатли таълим бериш, шу билан бирга, 7-синфдан бошлаб касбга йўналтириш бўйича кўрсатмалар берди.

– Ўғил-қизлар ҳунар ўрганса, ўзига ишончи ортади, дунёқараши ҳам ўсади, ота-онасининг ҳам кўнгли тўқ бўлади. Кейинчалик ижтимоий муаммоларни бартараф этишга маблағ сарфламаслик учун бугун шу маблағни мактабларга беришимиз керак. Болаларимизни ватанпарвар, жамиятга керакли инсон қилиб тарбиялямасак, келажакка хиёнат қилган бўламиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан мактаб дастурига шахмат сабоқлари киритилган эди. Мусиқа хонаси билан танишувда яна бир шундай таклиф билдирилди.

– Ҳар бир ўғил-қиз ҳеч бўлмаса битта чолғу асбобини чалишни билишини истардим, – деди давлатимиз раҳбари.

2019 йил 23 августда ўтказилган йиғилишда Президент Шавкат Мирзиёев мактаб таълимини ривожлантириш буюк умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланиши зарурлигини таъкидлаган эди. Сўнгги уч йилда мамлакатимизда 160 дан ортиқ умумтаълим маскани қурилди, ўнлаб ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилди. Ўқитувчиларнинг иш ҳақи ўртача 2,5 баробар оширилди. Буларнинг барчаси таълим сифатини кўтаришга, педагогларнинг жамиятдаги обрў-эътиборини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Шавкат Мирзиёев 2016 йил сентябрда беш йил давомида Сергели туманида 500 та кўп қаватли уй қурилишини айтганида кўпчилик ҳайрон бўлган эди. Давлатимиз раҳбари 2018 йил декабрда бу борадаги бунёдкорлик ишларини кўздан кечирганди.

Бугун бу ерда катта, замонавий мавзе пайдо бўлди. Охирги 3 йилда туманда 19 минг 522 хонадонли 460 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди.

26 та намунавий типдаги маҳалла гузарлари барпо этилди. Шу даврда бу ерга 100 мингдан зиёд аҳоли кўчиб келиб, жами аҳоли 276 минг нафардан ошган.

Президент Шавкат Мирзиёев шунча одамнинг фаровонлигини таъминлаш, бошқарувни самарали ташкил этиш мақсадида ушбу ҳудудда Тошкент шаҳар ҳокимлигига тўғридан-тўғри бўйсунадиган алоҳида "Янги ҳаёт" кичик туманини ташкил этиш таклифини билдирди.

Пойтахт аҳолисига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини воситачиларсиз, арзон нархда етказиб бериш чоралари кўрилмоқда. Биринчи босқичда деҳқон бозорларида 256 та махсус раста ташкил этилди. Иккинчи босқичга мувофиқ, шаҳар бўйлаб 514 маҳаллада 2316 та кўчма савдо ярмаркаси ҳамда 634 турғун савдо дўкони ташкил этилди.

Сергели туманига Қашқадарё вилояти бириктирилиб, вилоят фермерлари ўз маҳсулотини олиб келиб сотадиган савдо жойи очилди.

Давлатимиз раҳбари Ташаббус маҳалласи ҳудудидаги ана шундай савдо шохобчасини кўздан кечирди.

– Фермерларнинг маҳсулот олиб келишига ёрдам бериб, эмин-эркин сотишига шароит яратилса, Тошкентда озиқ-овқат маҳсулотлари нархини 15-20 фоиз туширишмумкин. Маҳсулотлар арзон ва сифатлилиги халқимизга, доимий мижозлар борлиги деҳқонларга ҳам қулай бўлади. Энди бошқа туманларга ҳам муайян вилоятларни бириктириб, маҳаллаларда шундай ихчам, совутгичли шохобчаларни ташкил этиш зарур, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари Сергели-5А мавзесидаги "MADENA COLLECTION" масъулияти чекланган жамият фаолияти билан ҳам танишди. Ушбу тикувчилик корхонасида тиббиёт ходимлари учун йилига 150 минг дона махсус кийимлар ишлаб чиқарилмоқда. Корхонада шу атрофда яшовчи 100 нафар хотин-қиз ишли бўлди.

Президент ишчи аёллар билан суҳбатлашди. Уларнинг оилавий ва меҳнат шароитлари билан қизиқди.

Давлатимиз раҳбари Сергели туманида барпо этилган экопаркни бориб кўрди.

Ўтган йил 21 майда Учтепа туманига ташриф чоғида Тошкент шаҳри туманларида истироҳат боғлари ташкил этиб, аҳолининг дам олиши учун шароитларни кенгайтириш бўйича топшириқ берилган эди.

Шунга мувофиқ, Сергели туманида умумий майдони 10 гектар бўлган «Flowers Garden Park» ташкил этилди. Шундан 5 гектари боғ, 5 гектари гул сотиш марказидир. Боққа йирик гулли магнолия, фотиния фразери, қора сосна, игна баргли арча, "Кримсон кинг" чинори каби 30 турдаги 6 мингдан зиёд манзарали дарахт ва 20 турдаги 60 мингдан зиёд бута олиб келиб экилган. Аҳолининг кўнгилли ҳордиқ чиқариши учун ресторан, савдо шохобчалари ташкил этилган.

Туркиянинг "Natural Peyzaj" ширкати билан ҳамкорликда бунёд этилган боғда 200 та иш ўрни яратилган. Малакали агроном ва энтомологлар жалб этилган.

Давлатимиз раҳбари боғда яратилган шароитлар билан танишди, манзарали дарахтлар ва гул дўконларини кўздан кечирди.

Янги экопаркда Сергели тумани мутасаддилари, аҳоли вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

– Бугун бу ерга келишимдан мақсад – коронавирус пандемияси туфайли юзага келган ҳозирги мураккаб вазиятда халқимизни нималар ўйлантираётгани, одамлар ҳаётини яхшилаш учун яна нималар қилиш кераклигини биргаликда фикрлашиб олиш, – деди Президент Шавкат Мирзиёев.

Сергели тумани учун шакллантирилган инвестиция лойиҳалари муҳокама қилинди.

Жумладан, жорий йилда умумий қиймати 1,8 триллион сўмлик 61 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, 5 мингдан зиёд иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Шунингдек, 22 та лойиҳа бўйича 83 миллион доллар миқдорида ҳорижий сармоялар ўзлаштирилади.

Мисол учун, Тошкент қувур заводида жорий йилда хитойлик ҳамкорлар билан бирга 85 миллион доллар инвестиция эвазига йилига 500 минг тонна металл лист ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилади.

Чирчиқ дарёсининг Бектемир ва Сергели туманларидан оқиб ўтувчи 16 километрлик қисмидаги ўзанларни 65-80 метргача қисқартириш орқали қўшимча 565 гектар бўш ер захираси пайдо бўлади. Бу ерда янги инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш орқали қўшимча 160 минг янги иш ўрни яратиш мумкин. Мутасаддиларга бу масалани атрофлича ҳисоб-китоб қилиб, уларни амалга ошириш бўйича топшириқлар берилди.

Президентимиз кичик бизнесни ривожлантириш, аҳоли ташаббусларини қўллаб-қувватлаш орқали бандликни ошириш, камбағалликни қисқартириш зарурлигини таъкидлади.

Транспорт ва коммунал хўжалик инфратузилмасини ривожлантириш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ томонидан қиймати 83 миллион доллар бўлган, 7 километр узунликдаги Сергели ер усти метроси қурилмоқда. Уни жорий йил сентябрь ойида фойдаланишга топшириш вазифаси қўйилди.

Оқова сув ва иситиш тармоқларини яхшилаш, марказий иссиқлик тизимини ёпиқ тизимга ўтказиш орқали модернизация қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

ЎзА

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

БУ ЗАҲМАТЛАР ЎТКИНЧИ

Президентимизнинг яқинда ўтказган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган вазифалар ижроси юзасидан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан аниқ режалар ишлаб чиқилди. Биринчи навбатда яшаш шароити оғир одамларни уй-жой билан таъминлаш кераклиги таъкидланди. Вазиятни чуқур англаган вилоятимиз ҳокими ташаббуси билан карантин даврида 54 та оилага янги уй-жойлар калити топширилди.

Маълумот учун: *вилоятда кам таъминланган оилалар сони 19 минг 920 тани ташкил этади. Камбағаллик рўйхатига 40 минг 474 нафар оила олинган.*

Ўтган қисқа вақт оралиғида камбағал оилаларнинг моддий имкониятлари ва турмуш даражасини яхшилаш мақсадида фуқаролар йиғини томонидан эҳтиёжманд ва муҳтож оилаларнинг рўйхати шакллантириб борилди. Ҳудудий бошқарма вакилларидан иборат ишчи гуруҳ ўрганишлари натижасида қўллаб оилаларга амалий ёрдам кўрсатилиб, молиявий қийинчилик сабаб тўхтаб қолган тадбиркорлик, ҳунармандчилик, касаначилик фаолиятлари қайта йўлга қўйилди. Оилага молиявий, ҳуқуқий кўмак берилди.

Бу борада вилоятимиздаги саховатпеша тадбиркорлар ва хайрихоҳ инсонлар билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Хусусан, пандемия натижасида ишсиз қолган 20 минг 554 оила имкон даражасида қўллаб-қувватланмоқда. Уларга 716 бош қорамол, 89 та қўй, 1 минг 100 та товуқ тарқатилди. 1 минг 649 та хонадонга "Гранд фарм" МЧЖ томонидан 500 миллион сўм нақд пул, "Покиза инсонлар" жамоаси томонидан 1 минг 650 та хонадонга озиқ-овқат маҳсулотлари етказилди. Шунингдек, ҳомийлик ва хайрияларни мувофиқлаштириш вилоят, туман ва шаҳар марказларидан жами 54 минг 587 та оилага 4 млрд. 592 млн. 970 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. Бундан ташқари, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида Касаба уюшмалари федерацияси билан ҳамкорликда 40 нафар аёлга тикув машинаси, 5 нафарига кир ювиш машинаси, яна 5 нафарига газ плитаси олиб берилди. 5 та музлаткич, 5 та телевизор, 5 та микротўлқинли печь ва 1 дона трактор ҳам ўз эгаларига топширилди.

Ҳозир коронавирус кириб борган ҳеч бир давлатга осон тутиб бўлмайди. Йирик завод, ишлаб чиқариш корхоналари тўхтагани ҳисобига тадбиркорлар ҳам, аҳоли ҳам, давлат ҳам қанчалик зарар кўраётганини тасаввур қилиш қийин эмас. Бундай вазиятда биринчи вазифа аҳолини омон сақлаб қолиш. Иккинчидан, касалликка чалинганларни даволаш, инфекция юқтирганликда гумон қилинганларни 3-4 маҳал озиқ-овқат, тиббий назорат, алоҳида изоляцияланган жой билан таъминлаш катта сарф-харажат талаб этади.

Пандемия даврида биз аёллар мураккаб вазиятларда ҳам ўзимиз ва яқинларимизни асраб қолишни, оила даромадига ҳисса қўшиш йўлларини ўргандик. Фарзандларимиз ва набираларимиз келажаги учун ҳаракат қилишимиз кераклигини англадик.

Аммо, тушкунликка тушмаслик керак. Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ, деймиз. Дилга таскин берувчи ҳақиқат шуки, ҳар ишда бир ҳикмат бор. Тез кунларда коронавирус чекинишига ишонамиз. Бу офатни биргаликда, ҳамжиҳатликда енгамиз!

Озода ПАРПИБОЕВА,
вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ

Президентимизнинг "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Республика "Маънавият ва маърифат" маркази ОЛМАЛИҚ шаҳар бўлинмаси томонидан шаҳардаги Амир Темур кўчаси бўйлаб рейд ташкил этилди.

Рейд давомида ошхона ва тамаддихоналар номлари, турли тилларда акс эттирилган пешлавҳа ва рекламалар Давлат тилида ёзилиши кераклиги борасида тадбиркорларга йўл-йўриқ ва кўрсатмалар берилди.

Вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан БЎСТОНЛИҚ туманининг Чимбойлиқ қишлоғи ҳудудидаги адирликларда "Зарарли чигирткаларга қарши курашиш" мавзуида кўргазмали, махсус тактик ўқув-амалий машғулот ўтказилди.

Машғулотларда туман ҳокимлиги ва тиббиёт бирлашмаси, вилоят Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси, Чигиртка ва тут парвонасига қарши курашиш хизматининг вилоят филиали ходимлари иштирок этишди.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ тумани прокуратураси ва мутасадди идоралар вакиллари тадбиркорлар фаолияти билан танишиш ва уларнинг муаммоларини ўрганиш мақсадида прокурор сектори ҳудудидаги ишлаб чиқариш объектларида бўлишди.

Ташриф давомида "Sof Gigenik" МЧЖда 200 нафар ва "K&G General Corporation" МЧЖда 50 нафар фуқаро карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда фаолият юритаётганлиги кузатилган.

Тадбиркорлар билан мулоқот давомида мазкур корхоналарда яна 30 нафар фуқаро бандлигини таъминлаш имконияти мавжудлиги маълум бўлди. Шу куннинг ўзида фуқароларни ишга жойлаштириш бўйича тавсия берилди.

Туроб аканинг оддий фалсафаси

Тонг саҳардан ишга шўнғийди. Ҳар йили эрта кўкламда икки бўйра келадиган жойда булғор қалампири, бақлажон, карам ва бошқа сабзавотлар кўчатларини, яна шунча майдонда райҳон, сальвия, қўқонгул каби анвойи гул ниҳолларини етиштириб, маҳалладошларини кўчат билан таъминлайди. Кўчатдан бўшаган майдонларга эса рўзғор учун, яъни, оиланинг қозонига тушадиган сабзавот ва резаворлар экади. Дарвоқе, бир боғ пиёз учун ҳам бозорга югургандан кўра, ўз томорқангдан узиб истеъмол қилганга нима етсин.

Очиғи, Туроб ака ишнинг кўзини билади, тажрибаси ҳам борда. Бундан уч йил бурун ҳовлининг этагига қурган 3 сотихлик иссиқхона ҳам оиланинг даромад манбаига айланди.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Маҳаллада бу оилани ҳамма ҳурмат қилади. Туроб ака рафиқаси Шоҳида опа билан тўрт қизни тарбиялаб, вояга етказишди. Барчасини ўқитиб, олий маълумотли мутахассис қилишди, муносиб жойларга узатишди. Ҳозирда 9 набиранинг буваю бувиси бўлиб ўтиришибди.

Баъзилар Туроб акага: "Бола-чақанинг орзу-ҳавасини қилиб бўлдинглар, энди дам олсангизчи", дейишади.

– Деҳқончилик менга ота мерос, хонадонимда бир қарич ҳам ер бўш турмайди. Узоқ йиллар туманимиздаги иссиқхонада бригадирлик қилдим. Пенсияга чиққач, томорқам – иш жойимга айланди. Мен доим таъкидлайман, томорқа – хазина, деб. Мисол учун, ўтган йили очиқ майдону, иссиқхонадан 20 миллион сўм атрофида даромад олдик. Бу йил ҳам ҳосилнинг чўғи ёмон эмас. Баъзилар қачон қараманг иш йўқлигидан нолишади, бола-чақасига етказа олмаётганидан шикоят қилишади. Очиғи, уларнинг гаплари мени ажаблантиради. Ахир, бугун давлат одамларга ишлаб пул топиш учун барча шароитларни яратиб бермоқда. Истасанг тадбиркорликни йўлга қўй, хоҳласанг ҳунармандчилик билан шуғуллан, томорқанг бўлса экин эк, кўчат ўтқаз, ёш бўлсанг устага шогирд туш, касб эгалла, шунинг орқасидан даромад қил, рўзғорингни тебрат деб. Энди шунда ҳам тебранмаган кишиларни тушунмайман. Аслида, камбағалликни бўйнига олаётганлар мана шундай ишёқмас, дангаса, яратиб берилаётган имкониятлардан фойдаланмаётган кимсалардир...

Оқсоқолнинг сўзларини тинглар эканмиз, мушоҳада юритамиз. Ҳақиқатан ҳам инсоннинг бой ёки камбағал бўлишига унинг ўзи сабабчи эмасми?..

Туроб ака айтмоқчи, меҳнатдан қочмайдиган инсон ҳар қандай ҳолатда ҳам турмушини фаровон этиш йўлларини излайди, интилади, имкон топади. Айниқса, бугунги давр ҳар биримиздан нолишдан кўра, каллани ишлатиб, ақлни чархлаб, касб-кор эгаллаб, имкониятни ишга солиб, ҳаракат қилишимизни тақозо қилмоқда. Зеро, фақат меҳнат билан турмуш чиройли ва тўкин-сочин бўлади. Мана шу оддий ҳақиқатни тушуниб етадиган замон келди..

Ўз мухбиримиз

«CAPITAL TRUST INVEST» МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Эълон

2020 йил 29 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг 28.05.2020 йилдаги №87-сонли буюртманомасига асосан кенгаш тасарруфидаги Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Шифонур кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган умумий майдони 396,0 кв.м.дан иборат бўлган бино қўйилмоқда. Бошланғич нархи – 1 000 000 000 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулк 2020 йил 29 июнь куни соат 11.00 да сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2020 йил 14, 29 июль 13, 28 август ва 14, 29 сентябрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк билан буюртмачи ташкилот вакиллари иштирокида бевосита манзилга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан кўчмас мулк бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари шарт:

– юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

– жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда.

Аукцион савдосида иштирок этувчи талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш расмий иш кунларида (шанба, якшанба ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан бир иш куни олдин соат 16.00 да тўхтатилади. Савдо ғолибига аукцион савдосида натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси имзолаш мажбурияти юклатилади.

Закалат пулини тўлаш учун реквизитлар «CAPITAL TRUST INVEST» МЧЖ. АТ "Xalqbank" Тошкент шаҳар филиали амалиёт бўлими. Ҳ/р: 20208000100757166001. МФО: 01132. СТИР: 304 802 952.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй.

Телефон: +998-71-236-25-53. www.capitaltrust.uz.

Лицензия RR – 0298.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат бошқаруви органлари муассислигидаги даврий босма нашрларни қўллаб-қувватлаш ва улар фаолиятини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинганлиги ҳам бу фикримизни тасдиқлайди.

Лойиҳадан давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг газета ва журналлари ходимлари маошларини маҳаллий ҳокимият органларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан қоплаш, соф фойдани таҳририят ҳисобида қолдириш, даврий босма нашрларнинг ходимлари малакасини ошириш, хусусан, газета ва журналлар электрон нашрини юритишда зарур бўлган кўникмаларни шакллантириш бўйича ўқув курслари ташкил этиш каби бир қатор муҳим вазифалар ўрин олганки, бу кишини мамнун қилади. Айни вақтда ҳукумат қарорининг айрим бандларини янада мукаммалаштиришга зарурат ҳам бор.

Қуйида босма оммавий ахборот воситаларига бефарқ бўлмаган касбдошларимизнинг қарор лойиҳаси бўйича билдирган таклиф ва мулоҳазаларини ҳавола этамиз.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Ҳудудий нашрлар яшаши КЕРАК!

Толиб ҲАКИМОВ,
Ўрта Чирчиқ тумани "Машъал" ижтимоий-сиёсий газетаси бош муҳаррири:

– Авваламбор, шуни айтмоқчиманки, Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари муассислигидаги даврий босма нашрларни қўллаб-қувватлаш ва улар фаолиятини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори лойиҳасида мамлакатимиз журналистларини кўпдан бери қийнаб келаётган муаммолар кўтарилганлиги ва уларнинг ечими кўрсатилганлиги ғоятда аҳамиятлидир. Шу жиҳатдан олганда қарорни қўллаб-қувватлар эканмиз, айрим таклифларимизни билдириб ўтишни лозим топдик.

Биринчи таклиф, қарор лойиҳасига даврий босма нашрларнинг босмахона харажатларини камида 50 фоизини муассислар томонидан қоплаб бериш учун субсидия ажратиш ҳақидаги банд киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки, даврий босма нашрларнинг асосий харажатларидан бири босмахона харажати билан боғлиқ.

Даврий босма нашрлар ходимларининг ойлик маошларини ҳамда босмахона харажатининг маълум қисмини қоплаб бериш орқали ўз-ўзидан даврий босма нашрлар обуна нархининг кескин тушишига, газета-журналларнинг ҳамёнбоп ва оммабоп бўлишига эришиш мумкин. Қўмсаш эмас, лекин собиқ шўро даврида давлат мафкурасига эътибор туфайли даврий нашрлар бюджетдан субсидияланган ва натижада газеталарнинг газетхон учун нархи арзимаган тийинни ташкил этган.

Иккинчи масала, "Ўзбекистон почтаси"нинг ишини тартибга солмасдан туриб газета ва журналларнинг оммалашишига эришиш мумкин эмас. Чунки, туманлар, айниқса, чекка қишлоқларда почтальон штатларининг қисқартириб юборилгани обуначиларга газета ва журналлар етиб боришида энг катта муаммога айланди. Демоқчиманки, босма нашрлар почта билан бир тизимдек ишламаса, обуначи ўз газетасини вақтида ололмаса, газеталарни молиявий қўллаб-қувватлаган билан кўзланган мақсадга эришиш қийин бўлади. Шунингдек, газета ва журналларни тарқатишда иштирок этаётган республика "Матбуот тарқатувчи" корхонасининг фаолиятини танқидий кўриб чиқиш ҳам заруратга айланиб бўлган.

Саъдулла МАТЁҚУБОВ,
Тошкент тумани "Диёр овози" газетаси бош муҳаррири:

– Республикамизда туман ва шаҳар газеталарига мана шундай ҳужжатлар орқали қаратилаётган эътибор ва уларни сақлаб қолиш, аҳволини яхшилаш бўйича қилинаётган ишлардан жуда хурсандман.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, маҳаллий нашрларнинг сифатли ва бугунги кун талабида чиқишини таъминлашда уларнинг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш асосий аҳамиятга эга. Ходим қачон сифатли ва унумли меҳнат қилади, қачонки унинг кўнгли хотиржам бўлса. Шуни эътиборга олган ҳолда, қарорга таҳририят ходимларининг ойлик иш ҳақи ва моддий рағбатлантириш билан боғлиқ маблағларни маҳаллий давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириш масаласи киритилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Гулжаҳон ЁМҒУРОВА,
Бўка туманидаги "Халқ овози" газетаси бош муҳаррири:

– Қарор лойиҳасини ўқиб чиқдим. Мамлакатимизда босма оммавий ахборот воситаларига ҳукумат даражасида берилаётган эътибордан жуда мамнун бўлдим.

Қарор лойиҳасига таҳририятнинг муассис билан муносабатини ифода этувчи банд киритишни таклиф қиламан. Тўғри, улар ўртасида икки томонлама имзоланган таъсис шартномаси бор. Лекин у ишламайди, тўғрироғи, муассис томонидан етарли даражада тан олинмайди. Бу масаланинг қарорда ифода этилиши икки томоннинг масъулиятини таъминлаш билан бирга унга қўшимча ҳуқуқий мақом ҳам беради.

Юқоридаги фикр ва таклифлардан кўриниб турибдики, жойларда туман ва шаҳар газеталарига эътиёж бор ва улар керак. Чунки, вилоятлардаги туманлар марказидан узоқда жойлашган қишлоқларга ҳали интернет тизими тўлиқ кириб бормаган. Мавжудларида ҳам алоқада бот-бот узилишлар бўлиб туради. Бундан ташқари тўғрисини айтиш керак, қишлоқда яшовчи аҳолининг ҳаммасида ҳам замонавий уяли алоқа воситаси олиш, ойига 80-90 минг сўмдан тўлаб интернетдан фойдаланиш имконияти йўқ. Шундай экан, ҳозирча қишлоқ аҳолисининг ҳудуд ҳаётига оид ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондиришда туман газеталари муҳим манба бўлиб қолмоқда. Албатта, уларни сақлаб қолишни истасак ишимизни замон талаблари асосида ташкил этишни ҳам ўрганишимиз лозим.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
/Тошкент ҳақиқати/
ёзиб олди

Гулнора АҲМЕДОВА,
"Қибрай садоси" газетаси бош муҳаррири:

– Кейинги пайтда даврий нашрлар, айниқса, маҳаллий газеталар анчайин мураккаб аҳволга тушиб қолганлиги бор гап. Шу нуқтаи-назардан Вазирлар Маҳкамаси қарорининг лойиҳаси газеталарни қўллаб-қувватлаш борасида муҳим қадам бўлди. Фурсатдан фойдаланиб, қарор лойиҳаси юзасидан ўз таклифларимни билдирмоқчиман.

Биринчидан, таҳририят ходимларининг ойлик иш ҳақини тўлиқ маҳаллий бюджет орқали қоплаш масаласини киритиш (аввалари бу амалда бўлган, таҳририятлар давлат дотацияси орқали молиялаштирилган).

Иккинчидан, йил якунида газетанинг соф фойдаси ҳисобидан таҳририят моддий-техник базасини тўлиқ мустаҳкамлаш чораларини кўриш зарур.

Учинчидан, таҳририятларда малакали кадрлар етишмовчилиги энг муаммоли масалалардан бири. Шуни инобатга олиб олий таълим талабалари ва битирувчиларини босма нашрларда амалиёт ўташ тартибини жорий қилиш керак. Шунингдек, ўқув муассасаларида босма нашрларни макетлаштириш, безаш бўйича кичик мутахассислар етиштиришга ҳам эътибор қаратиш керак.

101 огоҳлантиради

ЁНҒИНдан САҚЛАНИШ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Ҳозирги пандемия туфайли жорий этилган карантин шароитида кўплаб фуқароларимиз уйда қолишган. Ўз-ўзидан электр ускуналари ва жиҳозларидан фойдаланишга талаб ортган.

Содир бўлаётган ёнғинларнинг келиб чиқишини таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг тахминан учдан бир қисми электр тармоқларидаги носозликлар ёки электр асбобларидан нотўғри фойдаланиш туфайли юзага келмоқда.

Шу сабабли, фуқароларга электр асбобларидан фойдаланганда қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишларини яна бир бор эслатамиз:

– электр иситиш асбобларини (плиталарини) фақат ёнмайдиган материаллар устига қўйиш;

– электр токига уланган электр асбобларини назоратсиз қолдирмаслик;

– қўлбола иситиш асбобларидан фойдаланмаслик;

– битта розеткага бир вақтнинг ўзида бир нечта мослама уламаслик;

– электр асбоблари симларининг вилкага мустаҳкам қотирилишига эътибор бериш;

– сақлагичлар куйиб қолганда, худди шу токга мўлжалланган сақлагичлар қўйиш (бошқасини қўйиш умуман мумкин эмас);

– носоз электр ускуналари ва асбобларини (жумладан, ўчиргичлар, розеткалар, ҳимоя аппаратларини) ишлатмаслик;

– электр ўтказувчи симларни бир-бирига қўл ёки омбир билан уламаслик (уларни яхшилаб қотириш керак);

– электр ўтказувчи симлар уланган жойларини тўлқоғоз ёки ёнувчан материаллар билан қопламаслик керак;

– электр симларини телефон ёки радиосимларга тегиб қолишига йўл қўймаслик керак.

Дониёр ИСКАНДАРОВ,
Вилоят ФВБ "Давлат белгиси" ДУК тасарруфидаги қоғоз фабрикаси ОЁХТТЭБ катта инспектори, сержант

Эълонлар

Юнусов Равшан Хикматиллаевич номига берилган Қибрай тумани, Ўнқўрғон ҚФЙдаги дўкон биносига тегишли бўлган 11-05-06-01-01-0008 сонли кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"Xamkor-R" МЧЖга тегишли бўлган дўкон биносининг 11-05-05-01-01-0096-0002 сонли кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"JAYRON KREDIT" МЧЖ
Жамиятнинг 2019 йилги бухгалтерия баланси

(минг сўмда)

№	Актив	Йил бошига	Йил охирига	Пассив	Йил бошига	Йил охирига
1	Асосий воситалар	17 052,00	14 292,00	Устав капитали	595 000,00	800 000,00
2	Узоқ муддатли инвестициялар			Қўшилган капитал		
3	Капитал қўйилмалар			Резерв капитал	89 756,00	89 250,00
4	Товар-моддий захиралари	1 096,00	721,00	Тақсимланмаган фойда	167 041,00	799 921,00
5	Дебиторлар	132 643,00	245 444,00	Мақсадли тушум ва фондлар		
6	Пул маблағлари	17 599,00	45 095,00	Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар		
7	Қиска муддатли инвестициялар	901 975,00	1 865 410,00	Узоқ муддатли мажбуриятлар		
8				Жорий мажбуриятлар	218 550,00	481 791,00
	Жами, активлар	1 071 254,00	2 170 962,00	Жами, пассив	1 071 254,00	2 170 962,00

Жамиятнинг 2019 йилги молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи

(минг сўмда)

Кўрсаткичлар номи	Даромад	Харажат
Маҳсулот сотишдан тушган соф тушум	1 433 387,15	
Сотилган маҳсулотлар таннархи		
Маҳсулот сотишдан тушган ялпи фойда	1 433 387,15	
Давр харажатлари, жами:		653 873,81
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	421 983,81	
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами	1 201 497,15	
Фоизлар шаклидаги харажатлар		125 754,57
Даромад солиғи тўлагунга қадар фойда	1 075 742,58	
Даромад (фойда) солиқ		130 008,57
Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар		
Ҳисобот даврида корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда (зарар)	945 734,01	

Жамиятнинг 2019 йилги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари МЧЖ шаклидаги «TRANS-AUDIT-A» аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текширувидан ўтказилган.

"KRISTAL KREDIT" МЧЖ
Жамиятнинг 2019 йилги бухгалтерия баланси

(минг сўмда)

№	Актив	Йил бошига	Йил охирига	Пассив	Йил бошига	Йил охирига
1	Асосий воситалар	17 671,00	14 961,00	Устав капитали	1 330 000,00	1 330 000,00
2	Товар-моддий захиралари	2 575,00	4 530,00	Қўшилган капитал		
3	Келгуси давр харажатлари	2 520,00	2 343,00	Резерв капитал	199 500,00	199 500,00
4	Дебиторлар	569 709,00	411 309,00	Тақсимланмаган фойда	705 505,00	870 200,00
5	Пул маблағлари	6 223,00	33 868,00	Максадли тушум ва фондлар		
6	Қиска муддатли инвестициялар	2 892 420,00	2 680 580,00	Жорий мажбуриятлар	1 256 113,00	747 891,00
	Жами, активлар	**3 491 118,00**	**3 147 591,00**	**Жами, пассив**	**3 491 118,00**	**3 147 591,00**

Жамиятнинг 2019 йилги молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи

(минг сўмда)

Кўрсаткичлар номи	Даромад	Харажат
Маҳсулот сотишдан тушган соф тушум	3 475 972	
Сотилган маҳсулотлар таннархи		
Маҳсулот сотишдан тушган ялпи фойда	3 475 972	
Давр харажатлари, жами:		682 923
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	871 615	
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами	3 664 664	
Фоизлар шаклидаги харажатлар		60 000
Даромад солиғи тўлагунга қадар фойда	3 604 665	
Даромад (фойда) солиқ		433 454
Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар		
Ҳисобот даврида корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда (зарар)	3 171 211	

Жамиятнинг 2019 йилги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари, ООО "TRANS-AUDIT-A" аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текширувидан ўтказилган.

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

Ҳавасим келади сенга, болажон!

Ана шулардан келиб чиққан ҳолда, сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари ҳамда БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси талабларида назарда тутилган – болаларнинг ҳуқуқларини амалда кафолатлаш, уларнинг жисмоний, интеллектуал, руҳий ва маънавий етук авлод бўлиб етишишини таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 апрелдаги "Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, давлат ва бошқа органлар ҳамда ташкилотларнинг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари – Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Алия Юнусова) томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ташкил этилган матбуот анжуманида таъкидланганидек, ўз фаолиятини халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларига, халқаро шартномаларига, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига амал қилган ҳолда олиб борувчи вакилнинг асосий вазифалари сирасига бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини давлат томонидан ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштириш, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ҳокимият органлари, жамоатчилик ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига кўмаклашиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш каби муҳим вазифалар кирадики, буларнинг ҳаммаси республикамизда бу борада қанчалик кенг кўламли ишлар олиб борилаётганини кўрсатади.

Бу ҳаммаси эмас, Парламентимиз томонидан соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш жараёни давом эттирилмоқда. 2020 йил 28 февралда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи палата мажлисида юқори палата аъзолари томонидан маъқулланган Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқларининг қўшимча кафолатлари белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига, Фуқаролик процессуал кодексига, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги ҳамда "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонунларига тегишли ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилди.

Ўтган йилнинг ноябрь ойида дунё жамоатчилиги БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси қабул қилинганлигининг 30 йиллигини кенг нишонлади. Ушбу сана муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Бош прокуратураси томонидан БМТнинг болалар жамғармаси – ЮНИСЕФ ташкилоти билан ҳамкорликдаги халқаро илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

Таъкидлаганимиздек, Ўзбекистон 1992 йилда БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилган ҳолда, ундаги низомларга риоя қилиш ва уларнинг ижроси бўйича халқаро мажбуриятларни ўз зиммасига олди. Айтиш керакки, ушбу мажбуриятлар босқичма-босқич бажариб келинмоқда. Буни ўтган даврда мамлакатимизда болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тартибга солишга қаратилган юздан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинганлигида ҳам кўриш мумкин.

Ушбу конференцияда сўзга чиққан ЮНИСЕФнинг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича минтақавий офисининг болаларни ҳимоя қилиш бўйича мутахассиси Фенни Какама Ўзбекистоннинг Бола ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги ишларини эътироф этиб, халқаро Конвенция нормаларини имплементация қилиш соҳасидаги фаол иштирокини ижобий баҳолади.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида гап борар экан, республикамизда сўнгги йилларда болаларнинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш тизимини ислоҳ қилиш, хусусан, болаларни мактабгача таълим муассасаларига жалб этиш борасида амалга оширилаётган кўламли ишларни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринли бўлади. Масалан, агар 2017 йил бошида боғча ёшидаги болаларнинг 27,7 фоизи мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинган бўлса, 2019 йил якунида бу рақам 52,2 фоизни ташкил этди. Бу даврда республикамиз ҳудудларида турли мулк шаклидаги 5 минг 337 та янги мактабгача таълим муассасаси ташкил этилди. Бошқача айтганда, икки йил ичида бу борада мутлақо янги тизим вужудга келди.

Албатта, соҳада ўз ечимини кутаётган масалалар ҳам бор. Хусусан, мутахассисларнинг таъкидлашларича етим болалар, ота-оналар қаровисиз қолган, шунингдек, ҳаётида мураккаб вазиятга тушиб қолган бошқа тоифадаги болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бугунги куннинг устувор вазифасидир.

Мухтасар айтганда, бугун Ўзбекистонда болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш бўйича давлат, ота-она, ташкилот, муассаса ҳамда жамоатчиликнинг зиммасига масъулиятли бурч юкланган. Қонунчиликка мувофиқ, улар томонидан болаларга нисбатан қўлланиладиган барча хатти-ҳаракатлар бола манфаатларини аъло даражада таъминлаш мезонига кўра белгиланиши шарт. Назаримизда мазкур мезон биз олдимизга қўйган энг асосий мақсад – бахтли болаликни таъминловчи бош омилдир. Шундай экан, бундай юртнинг болаларига ҳавас қилса арзийди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
/Тошкент ҳақиқати/

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Қисқа ҳикоялар

Шифохона

Аёл машиналарни ақл бовар қилмас тезлик билан қувиб ўтди. Ё Худо, ишқилиб, кеч қолмаса бўлди! Бироқ, жонлантириш бўлимидан чиқиб келаётган жарроҳнинг авзойидан у ҳаммасини тушунди. Аёл ҳўнграб йиғлаб юборди.

– У ўлдими?

– Миссис Аллертон, – мулойимлик билан сўзлади шифокор, – сиз бахтли бўлишингиз керак. Унинг охирги сўзлари: "Сени севаман, Мэри" бўлди. Шифокорга бир пас тикилиб тургач:

– Раҳмат, – деди совуққонлик билан Жудит.

Барнаби Конрадеше

Бахтли яшаш сири

Чиннинг сулув қизи Ли-Ли суйганига турмушга чиқди. У бахтли эди, бироқ ширин ҳаётига қари, инжиқ қайнонаси заҳар томизиб турарди. Қайнона-келиннинг адоқсиз жанжалларидан тўйган эркак уйга келмайдиган одат чиқарди. Ўз оиласини сақлаб қолишни истаган келинчак табиб ҳузурига борди ва дардини тўкиб солди. Нуроний унга кукунга ўхшаш бир дори тутқазди.

– Бу аста-секинлик билан таъсир қиладиган заҳар, – деди кекса табиб, – уни уч ой давомида ҳар куни оз-оздан қайнонангнинг таомига қўшиб берасан! Қайнонангнинг ўлимида сендан гумонсирамасликлари учун шу вақт орасида унга энг сара таомларни тайёрлаб, яхши муомалада бўл!

Ли-Ли чолнинг айтганига амал қилди. "Яхши гап билан илон инидан чиқади" деганларидай, келиннинг мулойим муносабати қайнонани тамомила ўзгартирди. Улар онаю қизга айланди. Энди ёш келин ўзини оғир юк босаётгандай ҳис қилиб, қилмишидан пушаймон бўлди ва чолнинг ҳузурига келди.

– Қайнонамнинг қонини заҳардан тозаловчи дори беринг, илтимос. Унинг ўлишини асло истамайман!

Чол кўзлари ёшланиб, жавдираб тикилиб турган Ли-Лига қараб, қаҳ-қаҳ отиб кулди.

– Қизалоғим-а, сенга берганим дармондорилар эди. Улар қайнонангнинг кучига куч қўшарди. Ҳақиқий заҳар, аслида, миянгда эди. Сен ундан халос бўлдинг. Энди чинакамига бахтли яшайсан, – деган экан табиб.

Ба Цзинь

Гуноҳкор

Ҳақиқий гуноҳкор эди. Чунки, бир юз йигирма тўрт минг суворийдан ёлғиз ўзгина урушдан ватанига соғ-омон қайтди.

Гунай Арда

* * *

Ҳаётимизда икки муҳим кун бор: Биринчиси – дунёга келган кунимиз. Иккинчиси – нима учун дунёга келганимизни англаган кунимиз.

Марк Твен

Бедор тун

Беланчакда хотиржам ухлаётган жигаргўшам ярим тунда бирдан йиғлаб уйғонди. Кўзларимни аранг уйқудан очиб, беланчакни тебратдим, бироқ ўғлим ҳадеганда тинчланмади. Уйқу ғолиблик қилса-да, ўрнимдан туриб, боламни эмизишга шайландим. Қўлларим гўё қизиб турган чўғни тутгандай бўлди. Чақалоқнинг бадани ҳароратдан ёнарди. Кўзимга тиқилиб келаётган уйқу ўша дамда қаёққадир ғойиб бўлди. Боламнинг ҳароратини ўлчадим-у, дарҳол дори ичирдим ва тағин жойимга чўзилдим. У ёққа ағанадим, бу ёққа ағанадим, барибир, ухлолмадим. Боламни беланчакдан олиб, бағримга босдим. У жажжи қўлчалари билан юзимни силади. Мен ҳам унинг юзига юзимни босдим. Ҳарорати тущди. Бироқ, мен уни тонгга қадар иссиқ бағримдан чиқармадим. Эрталабга яқин кўзим илинибди. Боламнинг қиқирлашидан уйғондим. Бир кеча тиним билмадим, бироқ бедор тунимга ачинмадим. Боламни, аслида, дори эмас, балки меҳрим тузатган эди.

Билл Краун

Талаба кундалигидан

Талабалик даврида инсон турли кунларни бошдан кечиради. Севинади, кулади, йиғлайди, яқинларини соғинади, баъзан эса, хаёлпараст ҳам бўлиб қолади. Ҳарқалай, бизда шундай ҳолатлар жуда кўп. Қуёнчи Ҳасан акадан ҳеч камимиз йўқ. Баъзан, жамоат транспортида манзилни адаштириб юборамиз. Бир қараса, Биг Бенни остида мантия кийиб олиб, магистрлик шапкачасини осмонга улоқтирамиз. Яна бошқа хаёлларимиз океан ва денгизларга олиб кетади. Буларнинг барчасини кейинги фикримиздан ҳайратланмаслигингиз, бизни телбага чиқармаслигингиз учун айтаяпмиз. Хуллас, шунақа: сал ўйпарастроқмиз.

АҚЛЛИ ҚУТИЧАЛАР

Воқеа шундай бошланди. Бир куни эрта тонгдан ишхона томон отландим. Чиқинди тўкиш майдонига яқин жойга бир қиз қўлидаги халтачани улоқтирди. У автомобиль йўлининг четига бориб тушди. Ортида шошилиб кетаётиб, ўз хаёлларим билан кураша бошладим. Чиқинди халта: "Машина босса, сочилиб кетаман, мени олиб кўй!", дерди.

– Ия, сен гапира оласанми? – Чиқинди томон қадам босганимни билмай қолибман...

Манзилимга етганимда ҳам хаёлларим билан эдим. Ўзи ҳар кунимиз суғур кунидай, уйдан ишга, ишдан ўқишга, ўқишдан уйга. Шундай бўлгандан кейин ўзимизни хаёллар билан овутамизда! Тезроқ бу кунлар ўтсаю, ўзимиз истаган "кресло"ларни эгалласак. Шу хаёллар билан иш столидан букланган қоғозни чиқинди челакчасига улоқтирдим (Бу ҳолатни болалигимда "катта"лардан ўзлаштирганман). Мўлжал ололмай, чиқиндидан яна дакки эшитдим...

Шу кунларда: "Инсон ишлаб, кўп пул топиши мумкин, аммо, ғоя туфайли у бойиб кетади", деган қарашни ҳаётий амали одил қилиб олибманки, юрган йўлимда ғоялар келаверадиган бўлди. Кейин шу бойиб кетиш ғояларим асосида ўйлаб қолдим (реалроқ): кўпинча чиқинди идишлари атрофида чиқиндилар ётади. Аммо, улар гапиролмайди. Биз ҳаётда гапирадиган бўлмасада, бир қанча сигналларга эга чиқинди солиш идишчаларини яратишимиз мумкин. Мўлжал ололмасангиз сизни чақиради. Тўғри ташлаганингизда, раҳмат айтади. Бундай идишчалар болаларнида эътиборсиз қолдирмайди. Қутича билан қисқа суҳбатлашув кўчада ётган чиқиндиларни ўз "уйи"га олиб келса, ажабмас. Худди мен бошқаларнинг чиқиндисини майдончага етказиб қўйгандек. Юқори технологиялар асрида яшамоқдамиз. Қаловини топса, қор ҳам ёнади: гапирадиган қўғирчоқлар, учадиган самолётлар, камерали дронлар... ва бошқаларни инсоният яратганку!

Энг муҳими, бу ихтиро ҳар йили сайёрамизда чиқиндилардан келиб чиқадиган касалликлар туфайли вафот этадиган, беш ярим миллион кишини сақлаб қолиши мумкин...

Мадина АБДУСАМАТОВА,
талаба
/Тошкент ҳақиқати/

Мавзуга оид

Сайёрамизни ким кўпроқ ифлослантирмоқда?

Маълумотларга қараганда, АҚШнинг йирик шаҳарларида ҳар бир фуқарога ўрта ҳисобда йилига 550 килограммдан чиқинди тўғри келади. Бу дунё бўйича энг йирик кўрсаткич. АҚШда чиқиндиларнинг деярли 41 фоизи қайта ишланаяпти ёки ўғитга айлантирилмоқда.

Кейинги ўрин Россия пойтахтига тегишли. Москвликларнинг ҳар бири йилига бу кўрсаткични 500 килограммга етказмоқда. Экологлар бир неча йилдан кейин Россия пойтахтининг чиқинди тўплаш жойлари бутунлай тўлади, дейишмоқда. Манбаларнинг ёзишича, шаҳардаги қаттиқ маиший чиқиндиларнинг 15 фоизи ёқиб юборилади, 5-7 фоизигина қайта ишланади, холос.

Германияда чиқиндининг 66 фоизи қайта ишланади. Қаттиқ маиший чиқиндининг ҳар бир тури учун алоҳида бочкалар ташкил этилган. Ҳар бир фуқаро ташлашдан олдин чиқиндини турига қараб ажратиб чиқади. Чиқиндиларни аралаш ҳолда контейнерга ташлаган фуқаро хатто жаримага тортилади.

Финляндияда чиқиндиларнинг деярли ҳаммаси қайта ишланади. Аҳоли учун чиқиндиларни (шиша, металл, қоғоз ва ҳоказо) алоҳида-алоҳида контейнерларга ташлаш мажбурият ҳисобланади. Барча супермаркетларда пластик ҳамда пиво идишларини қабул қилиш пунктлари бор. Ташлаб юборилган йирик жиҳозлар, лампаларни эса фуқаролар махсус пунктларга олиб бориб, топширишлари керак.

Голландияда чиқиндиларни саралаб йиғишда фаоллик кўрсатган фуқароларга мол-мулк солиғи ва коммунал хизматлар ҳақини тўлашда қатор имтиёзлар берилади.

Швейцарияда ҳар бир фуқаро чиқиндини турига қараб ажратиши шарт. Бу ишни полиция ходими назорат қилиб туради. Полиция ходими, хатто, автомобиль ойнасидан сигарета қолдиғини отиб юборган фуқаронни судга беришга ҳам ҳақли.

Буюк Британияда 2000 йилдан бошлаб маиший ва саноат чиқиндиларининг ҳаммаси қайта ишлашга юборилмоқда.

Рассом табассуми

Вирусологлар огоҳлантиради: фойдаланилган ниқобни дуч келган ерга ташламанг!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Нашр кўрсаткичи – 205. Буюртма Г-543. 12 289 нусхада чоп этилди. Ҳажми – 2 табоқ. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А–2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Қабулхона: (71) 233-64-95
Бош муҳаррир ўринбосари: (71) 233-70-10
Масъул котиб: (71) 233-90-82
Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-54-10

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Электрон почта: toshkenthaqiqati@umail.uz // th-tp@inbox.ru

Манзилимиз: 111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90.
Тошкент шаҳридаги офисимиз: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи муҳаррир Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусаҳҳиҳ Аллома АЗИЗОВА
Навбатчи Равшан БАЙЖАКОВ

ISSN 2010-9318. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 02.50 1 2 3 4 5 6